

А Ж Р И М

2019 йил январь ойининг 25 куни, жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Тошкент туман суди, “Халқ банки”да очиқ сайёр суд мажлисида,
Раислик қилувчи: М.Миррахимов,
судья ёрдамчиси Н.Тожибоеванинг баённома юритувида,
тарафлардан Тошкент туман прокурори ёрдамчиси Ф.Камолов, жабрланувчи [REDACTED],
гумонланувчи [REDACTED]нинг иштирокида,

04.06.1984 йилда Тошкент вилояти Тошкент туманида туғилган,
миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали,
3 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган,
[REDACTED]

[REDACTED]ни,

1-30/2019-сонли Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
109-моддасининг 2-қисми билан гумонланувчига оид жиноят ишини кўриб
чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Жиноят иши ҳужжатларига кўра, [REDACTED]
2018 йил 21 октябрь куни соат 11:00 ларда Тошкент тумани Кўксарой ҳудуди
Ғалаба кўчасида таниши 1984 йилда туғилган [REDACTED]
[REDACTED] билан ер олди-берди масаласи бўйича ўзаро келишмовчилик
оқибатида жанжаллашиб қолиб, жанжал вақтида [REDACTED]ни
танасининг турли жойларига уриб, тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизасининг 2018 йил 3 октябрь кунидаги
№19-Т-сонли хулосасига кўра [REDACTED]ни бош мия
ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, бош соҳаси юмшоқ тўқималари, кўкрак
кафаси соҳаси юмшоқ тўқималарини лат ейиши каби тан жароҳатлари
оғирлик даражасига кўра соғлиқни қисқа муддатга бузилишига сабаб бўлган
“Енгил тан” жароҳатига кириши кўрсатиб ўтилган.

Дастлабки тергов томонидан [REDACTED]
ўзининг хатти-ҳаракатлари билан жабрланувчи [REDACTED]
[REDACTED]га қасддан баданига енгил шикаст етказиб, Ўзбекистон
Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган
жиноятни содир этган.

Суд мажлисида гумонланувчи [REDACTED]
айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган
қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган
зарарларни тўлиқ қоплаб берганлиги, ярашув ихтиёрийлиги,
жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси йўқлиги ва ҳозирги кунга келиб
жабрланувчи билан бирор-бир тазйиксиз ярашиб олганлигини айтиб, суддан
жиноят ишини тугатишни сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи [REDACTED]
ҳозирги кунга келиб, гумонланувчи томонидан етказилган зарарлар тўлиқ
қопланганлиги, [REDACTED]га нисбатан ҳеч қандай
даъвоси йўқлиги, ярашув ихтиёрийлиги, ҳозирда гумонланувчи билан бирор-

бир тазйиксиз ярашиб олганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини айтиб, суддан С.Акрамовга нисбатан бўлган жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар ўз айбига тўлиқ иқрор бўлса, ярашув ихтиёрий бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд гумонланувчи [] ва жабрланувчи []нинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумонланувчи []нинг муқаддам судланмаганлиги, айбига иқрорлиги, жабрланувчи ва гумонланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув жабрланувчи ва гумонланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноят Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, []га нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи []га Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддасининг 2-қисми билан гумонланаётган []га нисбатан жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи []га мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан ўн сутка ичида жиноят ишлар бўйича Тошкент вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят келтирилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

М.Миррахимов

Ажрим нусхаси аслига тўғри: